



"Сен — қудрат манбаи, саодат маскани, жонажон Ўзбекистон!"

# ЖАМИЯТ

№ 33-34 (711)  
2020 йил  
28 август,  
Жума

Ижтимоий-сиёсий газетаси

2006 йил 31 августда чоп этилиб бораётган

jamiatgzt@mail.ru



jamiatgzt@mail.ru



**ҚУДРАТ ВА БАХТТА  
МАКОН**

*О, ота маконим,  
Онажон ўлкам,  
Ўзбекистон, жоним  
тўшай соянгга.  
Сендай меҳрибон йўқ,  
Сенингдек кўркам,  
Римни алишмасман  
бедапоянгга.*

М.Юсуф

**МИЛЛИЙ  
ВАКЦИНА  
ЯРАТИЛАДИМИ?**

**ЎҚИТУВЧИ ЭНДИ  
КОНСПЕКТ  
ЎЗМАЙДИ**

**СИФАТЛИ ТИББИЙ  
ХИЗМАТСИЗ  
ОДАМЛАРНИ РОЗИ  
ҚИЛОЛМАЙМИЗ!**

**ШИЖОАТ ҚАЕРДАН  
КЕЛАДИ?**



## Одамлар нима дейди?

Ишонинг, Навоийлар, Бухорийу Хоразмийлар, Тамарахоним, Тансиқбоевлар, Эркин Воҳидовлар ҳали ҳам бор орамизда. Фақат қўлга қалам ёки чолғу ўрнига кетмон тутишга мажбур қилмасангиз бас!!!

**“Бўладиган  
ота...”**

**ҚИСКА  
САТРЛАРДА  
ЎҚИҢ!**

«Меҳр-саховат» кўрак нишони таъсис этилди.



**Дунёда жамики нарса-ҳодисаларнинг ўз таянч нуқтаси бор. Таянч нуқтаси бор бўлмаган бари нарса омонат. Элларнинг, дилларнинг, маконларнинг, замонларнинг ҳам ўз таянч нуқтаси бор. Улар ана шу таянч нуқтага асосланиб тараққий этади, бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Худди шу маънода ҳар бир давлатнинг, ҳар бир жамиятнинг ҳам ўз таянчи, суянчи, пойдевори бўлади. Бу, авваламбор, меҳридарё, бағрикенг, матонатли, қалби қайноқ, қўли қадоқ заҳматкаш халқи ва ўша юртда ҳукмирон бўлган тинчлик, осойишталик туйғуси биландир.**

Жаннатмонанд юртимиз ана шу маънода ўзининг мустақкам таянчига эга. Ўз олдига улдувдор мақсадларни қўйиб, қутлуг ниятлар сари интилаётган халқимиз ўз раҳнамосига эга. Халқини рози қилиш, бахтли ва тўкин-фаровон қилиш, келажакда давлатимизни ривожланган мамлакатлар қаторида кўриш нияти билан фаолият олиб бораётган юртдошларимизнинг ишончли юртбошисининг борлиги бахт. Кўзланган мақсад аниқ, келажакти буюк бўлган давлатнинг кучи, қудрати ўз халқининг ишончида, ҳаракатида, матонати ва жасоратидадир. Ўз фарзандларига қаҳрамонлик гошларни тараннум этувчи дostonларни айтиб бериб улгайтган халқ бую. Куч-қудратда тенгсиз Алломишу Ёдгорларни, Тўруғлию Бозиргон, Авазхону Ҳасанхонларнинг маршлик ва матонатларини тараннум этувчи дostonларни айтиб фарзанд, неварачевараларни улгайтган халқ бую.

Бу халқ илми улуғлаб, олимни эъзозлаб китобни муқаддас тутиб, ўз фарзандларини билимли қилишга, билимли бўлишига интилан, талпинган, улуг аждоғларига муносиб бўлишга даъват этган халқ. Нафақат ўз фарзандларини жисмонан соғлом ва кучли бўлишини, балки ақдан, тафаккур нуқтани назардан кучли, қудратли бўлишини орзу қилиб, ўзининг келажакни ана шу туйғулар билан боғлаган халқимиз таърифида сўз кўп.

Чинакам куч-қудратга эга бўлган халқгина, улуг мақсадларни амалга оширади ва ўз фарзандларини тарбиялаб, вояга етказиб эл-юрт гами, кори, ишқи учун ёниб куйиб ишлаганга даъват эта олади. Куч-қудратнинг муҳим мезони ҳам ана шулар билан белгиланади. Ўзининг миллий гошисига мустақиллик мафкурасига эга бўлиши унинг биринчи куч-қудратидир. Асрлар давомида Истиқлол, озодлик унинг бирдан бир орзуси бўлгани ҳам рост. У бугунги кунда истиқлол шарофатини, озодлик тушунчасининг моҳиятини англаб етди. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 29 йиллигини нишонлашга тайёрларлик кетаётган айни дамларда шуни комил ишонч билан

айтиш мумкинки, халқимизнинг дунёқараши кенгайди, тафаккури, онг-у шуури ўсди, ўзгарди. Ўзгараётган Ўзбекистоннинг янги Ўзбекистоннинг фуқароси бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Эндиликда у эргашувчи эмас, балки, эргаштирувчи халқ бўлди. Чунки ўз иродаси ва мақсадига, ойдин орзуларининг рўёбини, меҳнатларининг самарасини кўришга интилган халқимиз чинакам бойлигимиздир. Ўзбекистоннинг ер ости, ер усти бойликлари, тўрт фаслда ҳам дастурхонини безаб турувчи ноз-у неъматлари аввало, яратганнинг инояти, қолаверса, четкан заҳматларининг натижасидир. Табиатида яратувчанлик, бунёдкорлик туйғуси жунбуш урган аждоғларнинг авлодларимизку, ахир. Азалдан бобокалонларимиз "Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар" деган мақолни билиб, амал қилиб дилбандаларига ҳам ўргатиб келган. Уюшқоқлик, жипслик, ҳамжихатлик, муштарак мақсадлар сари ташланаётган қадамларнинг залвори ва қутлуг эканини ҳис этишининг ўзи ҳам беқийёс куч-қудрат манбаидир. Ўз олдига аниқ мақсадлар қўйиб истиқболли режалар сари талпинган, ишонч билан интилган халқдагина мақсадлар аниқ, иқболи порлоқ бўлади.

Давлатимиз раҳбарининг сайён-ҳаракатлари билан йўлга қўйилган бешта босқичли "Ҳаракатлар стратегияси", шунингдек, Президентимиз томонидан илгари сурилган 5 та ташаббуснинг амалга оширилиши ана шу боралади далил қадамлардир. Таълим-тарбияга эътиборнинг устуворлиги илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётнинг ривожлантириш борасидаги изланишлар, турли ислоҳот ва бунёдкорлик ишлари кучимизга куч, қудратимизга қудрат қўшаётгани сир эмас. Бирдамлик ва ҳамкорлик тараққийнинг муҳим омили эканлигини англаш асосида жаҳоннинг ривожланган давлатлари, айни пайтда, қўшни республикалар билан деярлик барча соҳаларда ўзаро ҳамкорликда иш олиб борилаётгани хайрли ва манфаатлидир.

Демак, куч-қудратнинг манбаи аввало, мақсаднинг аниқлиги, ишончнинг устуворлиги, қолаверса, истиқбол сари ҳамжихатлик билан ташланган далил қадамлардир.



Дуога қўл очган ота-боболаримизда ҳам, бир-бирига истак билдирган дўст-у ёр, қариндош-у қардонларда ҳам бир тилак мағур жаранглайди. "Бахтли бўлинг, саодатманд бўлинг". Бахт ўз-ўзидан келмайди, ниятлари беғубор орзу-мақсадлари аниқ, ўзаро муруватли ва муҳаббатли эл чинакам маънола, бахт нашидасини суради. Бахтли бўлиш бахтли қилиш деган тушунча билан уйғун. Давлатимиз раҳбари энг аввало, халқимиз бахтли бўлиши керак, биздан рози бўлиши керак ва у эртага эмас бугун рози бўлиб, бахтли бўлиши керак деган даъватлариди ҳам саодат маскани бўлган - Ўзбекистоннинг эрта-индинини кўра оладиган донишманднинг нигоҳи, нуқтани назари бор. Тинч ва осойишта, мустақиллик замонида янаган халқ бахт ҳақида, омад ҳақида гапирса ярашади, жумла-ю жаҳон ҳавас билан қарашади. Чунки бахт ва омад эгизак тушунча бўлиб, осойишта замонда, ризқ-рўз етиштираётган халқнинг фаравонлиги билан боғлиқдир. Бахтиёрликнинг белгиси, саодатманликнинг нишонини ҳар қандай ҳолатда, ҳар қандай шароитда бир-бирига эътиборли, эҳтиромли бўлиш, бағрикенглик, меҳридарёлик, саховатпешалик қилиш билан боғлиқ эканлиги кундек равшан. Тоғли вирус балоси юртимизга хавф солган пайтда, пандемия панд беришига қарамасдан, аҳиллик, меҳр-у саховат халқимиз тийнатида устувор эканини намён этмоқда. Шу йўл билан халқимиз турли табиий ва ижтимоий офатларни ҳам енгишга қолар ва қобил эканлигини исботлади. Халқимизнинг матонати ва иродаси я бир синовдан ўтди. Бу бирдамлик, аҳиллик, ҳамжихатлик улуг мақсадлар сари интилаётган халқимизнинг ўз тақдирини саодат маскани бўлган жаннатмонанд Ўзбекистон қисмати билан боғлагани боисдир. Чунки халқимизнинг ҳар бир аъзосида фуқаролик бурчини ҳис этиш, она юрт қисматида даҳлдорлик туйғуси билан яшаш бор. Юртнинг шиори элнинг дуоси билан уйғунлигини билиб яшаш, ҳис этиш чинакам бахтнинг белгиси эмасми? Юрт бошига кедан турли синовларда, офат-балоларга қарши курашда, уларни бартараф этишда халқимиз жипслиги, куч-қудрати ва саодатининг чинакам мазмун-моҳияти яна бир бор намён бўлди. Чунки маънавиятли,

маърифатли халқ истиқболга умид кўзи, ишонч руҳи билан қарайди, ўз орзуларининг рўёбини кўради.

Тақдир яратгандан, талбир бандадан деган улуг ҳадисна -

Ўз юртини ўз оиласидек билиш, уни кўз қорачиғидек асраш элпарварлик нишонини. Ватанпарварлик белгиси ҳам муҳаббатдан бошланади. Бу жонажон ватанни жон ва тан ҳимояси қаби азиз ва муқаддас тутишда. Ватанни жон ва тандан азиз билишнинг ҳикмати катта. Инсон қўл-оёқсиз, ҳатто кўзсиз яшаш мум-

мо ўғит б. Бир пайтлари академик шoirимиз шунинг билгани ҳолда ва шунга ишора қилгани ҳолда халқнинг ҳаракатини мақсадини орзу-умидларини амалга оширувчи мезон сифатида инсонни шижоатта, гайратта чорловчи ушбу мисраларни тизганини ҳам яхши биламиз:

**Тақдирни қўл билан яратур одам, Ғойибдан келажак бахт бир афсона.**

Олма пиш, озгимга туш қабилда иш тутиш эмас, балки, ҳаракат кераклигини уқтирмақда шoir. Гафур Ғулом тангри таолонинг "Сендан ҳаракат, мендан баракат" деган даъватини шеръ замирига усталик билан сингдирган. Шундай экан бу халқ, меҳнаткаш, заҳматкаш, ерга уруғ сочиб ризқ-рўз ундириб, ҳосил йигиб, ўзини ва узгаларни ҳам боқошига қобил бўлган халқдир. Бир бурда нонини баҳам кўришга тайёр, меҳмоннавоз элмиз. Унинг бахти ер билан тиллашиб, эл билан диллаша олишидир.

Меҳмондўст халқ инсон қадрига етиши билан у ўзини чинакам саодатманд деб билди. Доно халқ донишмандларини эъзозлайди. Шу сифатларга эга бўлган жамият илмпарвар, маърифатпарвар бўлади. Имом Бухорийнинг илмдан бошқа наҳот йўқ деган даъватларини идрок этади. Илм-маърифат орқали тараққий этиш мумкинлигини, ҳар бир соҳанинг ўз илми, тилсими борлигини ҳис этади, шу борала фарзандларга ўғит беришга ошшади. Бусиз наҳот ҳам, бусиз тараққий ҳам йўқлигини чуқур англайди. Ўзининг меҳнати, тажрибаси, ақд-заковати билан бахт формуласини ярата олган халқимизнинг келажакти буюк. Илм-у амали, сўзи ва иши бир бўлган аҳду паймони эл саодатманд бўлади, ўзини чинакам бахтиёр ҳис этади.

Лекин ватансиз яшаб билмайди. Чунки барча фазилатлар, бахт ҳам, орзулар рўёби, хурсандчилик, истиқболли режалар ҳам барчаси шу ватаннинг борлиги, борлиги, тинч ва осойишталиги биландир. Тинч юртдагина мақсадларнинг рўёби ҳақида гап бўлиши мумкин. Киндик қон тўкилган маконга муружаат қилиш юракка яқинлик, қалба осойишталик, қўнғилла оромбахш туйғуларни бахш этади. Шундай экан, ўз юртингизга, ўз ватанингизга жонажон деб муружаат қилиш, уни жон ва тандан азиз ватан дег эътироф этиш куруқ сўзлагина эмас, балки, амалий ҳаракатлар, натижалар билан бўлиши бу чинакам куч-қудратга эга бахтиёр халқнинг, саодатманд маконнинг формуласидир. Халқни эъзозлаш ватанида, эл-юртга эҳтиром боғлаш шунчаки шiorлар, куруқ сўзлар билан эмас, амалий ҳаракатлар, натижалар билан белгиланади. Қабул қилинаётган қонун, қарор, фармойишлар, олиқона, олиқона ҳаракатлар йўсинидаги узоқни кўзловчи сисбатлар ҳам ватан тараққийети, халқ фаровонлиги билан боғлиқ эканлигини бугун халқимиз жуда яхши ҳис этади. У ҳаёт, тараққийет, ижодий ҳақида жуда кенг тушунчага эга. Бугунги бунёдкорлик ишлари, амалга оширилаётган иқтисодий, маънавий-маърифий ва халқаро мавлондаги фаолиятимиз, муваффақиятлар ана шу ҳаракатларимизнинг исботи, асоси эканлиги ойнадек аён. Қалб кўри, кўз нури, умр сурури, кўнғил ғурури, ҳаёт ҳузурини деган тушунчаларнинг моҳияти, она юрт билан боғлиқ эканлиги ҳақ. Халқимиз амаллар ниятларга, ниятлар амалларга яраша бўлишини яхши идрок этмоқда. Шундагина халқ чин бахтини, куч-қудратини ҳис этган ҳолда, шиори дуо ўрнида мустажоб бўлишини англаш асосида қалби фахр-ифтихорга тўлиб баралла овоз билан "Сен қудрат манбаи, саодат маскани, жонажон Ўзбекистон!" - дейишга ҳақли.

**Раҳимбой ЖУМАНИЁЗОВ,**  
"Маърифат" тарғиботчилар жамияти аъзоси



Инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши ва ташқи савдонини мониторинг қилиш инспекцияси ташкил этилди.





# Одамлар нима дейди?

**Нима учун ўзбеклар орасида "Нобель" совриндорлари йўқ. Буни-ку кўя турайлик, жаҳон миқёсида аҳамиятга молик бирор кашфиёт қилган ёки фавкулудда ноёб истеъдоди билан барчани лол қолдирган 5 тагина ўзбекни санай оласизми? Ўйлаб қолади одам, бир замонлар ўз зехн-идроки, қобилияти билан оламга довруғ сочган даҳоларнинг авлодлари нега бугун ўзлик инқирозига юз тутаяпти? Нима учун охириги икки асрда ботқоқликка ботиб қолаяпмиз? Саволлар кўп... Келинг яхшиси, жавобни тева-рак-атрофдан излаб кўрамиз.**

Бир бола мусиқа асбобини чалишни жуда яхши кўради. Балки яширин қобилияти ҳам бордир, буни билиб бўлмайди. Табиийки, бу ҳақда ота-онаси-га айтади. Бармоқларини ҳа-вода ўйнатар экан, ўзи бир бор кўрмаган, орзуидаги асбобни олиб беришларини сўрайди. Бу сўровга нисбатан жавобни кўп-чилик олдиндан билади. "Ҳеёй, зумраша, шундан бошқа дардим йўқ эди ўзи. Сўрашга топган нарсасини қаранг. Йиғиштир карам шўрвангни".



сур-на й чалармуш, ёнига бир ўйинчи-ям топиб берсақ бўлди" деб бошқалар олдида мазах ҳам қилиб қўйишади. "Болам, бери кел. Мана бу пулга хоҳла-ган чолғуингни ол, эртагаёқ тумандаги мусиқа мактабига олиб бораман, сенга ишонаман, болам", демайди ҳеч қачон. Ин-тилишларга бутунлай ёт бўлган фаолиятга мажбур қилиша-ди-да, кейин қарда хато қил-дим деб юришаверади.

**Кейин... Ҳавода муаллақ қолган қўллар бир-бирига чирмашади, бошини кўйи солиб ортага қайтади. Тўғрида, бирор со-зандани тузукроқ танимаган, бу соҳадан етарлича хабардор бўлма-ган чапани отадан яна қандай ҳара-кат кутасиз? Улар фарзандининг доирачи бўлиши-ни эмас, ўз қарashi билан айтганда, одам бўлишини, хоҳлайди. Фарзан-дининг хоҳиш-ис-таклари, қобилия-тини синаб кўриш эса хаёлининг бир чеккасига келмай-ди.**

Бизнинг асл муаммомиз ҳам айнан шу. Бизнинг жамиятда индивидуал танловдан кўра, бошқалар фикри муҳим. Одамлар нима дейди? Одамлар қанақа тушунади? Одамлар қандай ўйлайди? Фарзанди танлови-га ҳолис ёндашув эмас, одам-лар фикри муҳим. Тўғрида, сўлоқмондай йиғит бўла туриб, қандайдир мусиқа асбобини гинғир-гинғир қилиб юрадимми? Кези келганда "Бизнинг ўғил

часига бирдек имконият яратиб беришга мажбурсиз. Мустақил тарбияланг, улар ўзи эркин қарор қабул қила олсин. Ҳеч қачон ўзингиз хоҳлаган, лекин болан-гизга ёқмайдиган танловга солиб қўйманг. Унутманг, орзулар ҳурмат қилинсагина, улар амал-га ошади. Отасиман, онасиман деб уни ўзингиз хоҳлаган қолип-га солиш ярамайди. Паганини-дек машхур скрипкачи ўрнига сиз истаган "мелиса", Пикас-содай расом ўрнига уқувсиз шифокор, "Нобел" га номзод астрофизик ўрнига ўз иши-га ҳафсаласиз қурувчи, дунёга машхур инвестор ўрнига банк ходими, компьютер дастур-ловчиси ўрнига ҳисобчиларни яратманг, илтимос. Тоталитар бошқарув, феодал қарашларга чек қўйинг. Болангизнинг қарорларини ҳурмат қилинг, гай-риоддий, ўз фикрини кўрқмай айта оладиган шахс тайёрланг. Ҳаётингизга деярли таясир ўт-казмайдиган одамлар гап сўзига эътибор берманг, улар кулсан-гиз ҳам гапирари, йиғласангиз ҳам.

Ишонинг, Навоийлар, Бу-хорийу Хоразмийлар, Тамара-хоним, Тансиқбобевлар, Эркин Воҳидовлар ҳали ҳам бор ора-мизда. Фақат қўлга қалам ёки чолғу ўрнига кетмон тутишга мажбур қилмасангиз бас!!!

**Шаҳруза САТТОРОВА,**  
Ўзбекистон журналистика ва  
оммавий коммуникациялар уни-  
верситети талабаси



б е ма ғни «эркалатиш-лари» сабаб бўл-маяптимикиан...? Яқинда бир устозимнинг кичкина ўғли-нинг суратига кўзим тушди. Эндигина тили чиқа-ётган, му-стақил ўти-раёт-

Халқимизда "Бўладиган бола бошидан...", деган гап бор. Бу ақлли, ўз тарбияси билан кўшнилари ва маҳалласининг меҳрини қозонган болаларга нисбатан айтилади. Ишонасизми, ана шу ҳикмат шодасини ҳар сафар эшитганимда атрофимизда бўладиган болалар борлигидан қувониб кетаман. Халқимиз хазинасидан жой олган бу каби мазмунли ва аҳамиятли нақлларни ҳали анча давом эттирса бўлади.

## “БўЛАДИГАН ОТА...”



Аммо, баъзи инсонлар ана шу мақолнинг туб моҳиятини унутгандай, назаримда. Тили чиқаётган боласига қараб, «Бит-га сўкиб қўйинг, ота ўғил», де-йдиган ёки эндигина ақлини таниган, мактабга қадам қўй-ган фарзандини спиртли ичим-ликлару тамаки маҳсулотлари учун дўконга жўнатадиган ин-сонлар ҳам орамизда учраб ту-ради. Хўш, ўзингиз тафаккур қилиб, айтинг-чи, болалигидан сўкиб, отасига шайтоннинг су-вини ташиб улғайган фарзанд эртага ким бўлади? Ким бўлар-ди, бўлмайдиган бола бўлади... Кечирасиз-у, балоғат ёшидаги ёшларда учраб турадиган жазза-килик, ҳар гапига номаъқул сўз-ларни қўшиб гапириш, ҳаттоки, спиртли ичимликларнинг даст-лаб таъмини тотиш, сўнгра му-касидан кетиш ҳолатларига ҳам катталар-нинг болаликдаги бе ма ғни «эркалатиш-лари» сабаб бўл-маяптимикиан...?

ган ва ҳар хил қилиқлари билан ота-онасини қувонтираётган боланинг лавҳ ёнида китоб ва-рақлаётганини кўриб, очиги, ҳайратга қолдим. Фаёзбек ҳали ўқишни ҳам, ўқиш нималигини ҳам билмайди. Китоб нима эканлигини тушунишга ақли ҳам етмайди. Аммо зиёли ота-о-наси туфайли болалигидан ки-тобни варақлаб, ҳидини ҳидлаб, катта бўляпти. Хўш, отасини қулдириш учун ҳали тушун-масдан, ҳам шариятта, ҳам маъ-навиятта тўри келмайдиган сўзларни айтаётган болаларнинг олдида Фаёзбекнинг китоб ва-рақлаётгани — қахрамонлик эмасми? Сўкинаётган, ўзи ҳам хоҳламай «аяққа» кетаётган бо-лаларнинг гуноҳи ана шундай муҳтдаги оилада туғилганими?

Кечирасиз, азиз катталар! Илтимос қиламан, айтишга журят қилмайдиган фарзанд-ларингиз номидан айтаман. Болангизни бўладиган бола бў-лишини хоҳласангиз, ўзингиз бўладиган ота-она бўлинг. Бугун сизни қулдириш мақсадида сўкинаётган фарзандингиз са-баб, эртага дашнонлар эшита-сиз. Бугун бўлмагур нарсаларга жўнатаётган болангизни Ўзи асрагин-у, эртага панжара орти-да кўрасиз. Агар бу ҳолатлар юз бермаслигини истасангиз, ил-тимосларимни инобатта олинг, тўғри тарбия беринг. Чунки, бўладиган бола бошидан маъ-лум бўлади. Тагин Сиз туфайли бўладиганлар ҳам бўлмайдиган-ларга айланиб қолмасин!

**Ёрқинжон ҲАЙИТБОЕВ,**  
Гулистон давлат  
университети талабаси



Ушбу саҳифа Олий Мажлис ҳузуридаги Нодават нотижорат ташкилотлари ва фуқа-ролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонднинг "Жамият — ислохотлар ташаббускори" Давлат ижтимоий буюртмаси асосида тайёрланди.



Фуқаро вафот этган тақдирда, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган маблағлар меросга ўтади ва меросхўрга бир йўла тўла ҳажмда тўланади.



# Миллий вакцина яратиладими?

Бугун дунё бир бўлиб, битта масала – коронавирусни тезроқ енгил устида бош қотирмоқда. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг раҳбари маълумотига кўра, бу касалликни бартараф этиш учун камидан икки йил керак бўларкан. Ундан сал аввалроқ, “Майкрософт” компанияси асосчиси Билл Гейтс ривожланган давлатлар бу дард билан 2021 йилнинг охиригача курашишни, ривожланмаганлари эса 2022 йилгача коронавирусдан қутулолмаслигини маълум қилди. Эсингизда бўлса, айнан Билл Гейтс бундан беш йил аввал пандемияни олдиндан башорат қилган. Демак, у бир гапни билмаса гапирмайди.

Биз ривожланган давлатлар тоифасига кирмаймиз. Демак, ҳозирча ўзининг “пандемия эрта-индин тугайди” деб оутишимизга ҳожат йўқ. Биз ҳам яна салкам икки ярим йил коронавирус билан курашимиз лозим бўлади. Ҳа, афсуски шундай! Ўзи олти ойда бўларимиз бўлди. Расмий маълумотларга кўра 40 мингта ақин киши коронавирусга чалинди. 300 га яқин одам нобуд бўлди. Мамлакат миллиардлар доллар миқдоридан зарар кўрди. Минглаб оилалар доимий даромад манбаидан айрилди. Бу ҳали босиб ўтишимиз керак бўлган йўлнинг олтидан бир қисми, холос.

Бугунги кундаги маълумотларга кўра, ҳар куни ўртача 400-500 киши касалликка чалинапти. 6-7 киши ҳаёт билан видолашапти. Олдимизда салкам икки ярим йил бор. Агар кўрсаткичлар шу зайдла давом этаверса, 2022 йил охирига бориб, касалланганлар сони 500 минг кишига, қурбонлар 5000 кишига етади. ЭНГ КАМИДА. Чунки, бугун ҳақиқий манзара эълон қилинаётган рақамлардан анча фарқ қилишини, минглаб одамлар шифохонадан ташқарида, ўзи касалланиб, ўзи тузалаётганини яхши биламиз. Вафот этаётганлар сони ҳам расмий маълумотлардагидан фарқ қилади. Қолаверса, келгусида касаллик кўрсаткичлари фоиз ҳисобида янада кўпроқ бўлиши мумкин.

Нега бунча ваҳима қилишсан, дейишга ошқаманг! Албатта, эртага нима бўлиши Яратганининг ўзига маълум. Ҳар бир иш Унинг хоҳиш-иродаси билан амалга ошади. Қолаверса, “Болта тушгунча кунда дам олар” деган гап бор. Бу давр оралиғида тиббиётда ҳам бир қанча ўзгаришлар бўлиши, янги даволаш усуллари, янги дори-дармонлар жорий қилиниши, пандемия башорат қилинганидан эртароқ ҳам тугаши мумкин. Хуллас, ҳар икки ҳолатни ҳам эътибордан қочирмаслик керак.

Ҳозир дунё аҳли умид кўзи билан қараётган яна бир восита бу коронавирусга қарши вакцинадир. Бугунга қалар 160 дан ортқ компания вакцина ишлаб

чиқаришга киришган. Уларнинг 30 дан ортиги дастлабки босқичлардан ўтган. Россияда ишлаб чиқарилган “Спутник В” вакцинаси билан сентябрдан бошлаб аҳолини эмлаш бошланади.

Ҳозирда Япония, Франция, Буюк Британия, АҚШ, Италия сингари мамлакатлар ҳам ўз вакциналари устида иш олиб боришмоқда. Ҳатто кўшни Қозғистон Республикасида ҳам QazCovid-in вакцинаси ишлаб чиқилган ва клиник синовдан олдинги босқичда турибди.

Яқинда ЖССТ раҳбари вакцина ишлаб чиқарилганидан кейин айирмачилика йўл қўймасликка, уни тенг тақсимлашга чақирди. Демакки, шундай хавф, андиша мавжудки, ташкилот раҳбари бу ҳақда оғиз очган.

Катта эҳтимов билан дунё мамлакатлари яна икки кутбга – вакцинаси бор ва вакцинасиз давлатларга ажралса, ажабланмайман. Бир тоифа давлатлар ўз вакцинасини истаган бошқа бир давлатга сотиши, айирбошлаши, ёки қайсидир шартлар эвазига текинга бериши ҳам мумкин.

Иккинчи гуруҳдагилар “арзонроқ вакцинани кимдан олсак бўларкин? Ким бизга ёрдам қилини чўзаркин”, деб жовдирабгина қараб ўтираверади. Хуллас, бу ёнига яна сиёсий ва иқтисодий ўйинлар бошланиб кетса керак.

Биргина Хитой чиқараётган вакцинанинг бир дозаси 100 доллардан ошққча баҳоланмоқда. Қолган вакциналар ҳам 20 доллардан 60-70 долларгача боради. Кўпгина мутахассислар асосан 18 ёшдан юқори аҳоли қатламини эмлаш лозимлигини айтишмоқда. Ўртача 50 доллар атрофида баҳоланган тақдирда ҳам, мамлакатимизда 20 миллион киши эмланадиган бўлса, бу бир миллиард долларга тушаркан. Пандемия сабаб иқтисодиёти тобора заифлашаётган мамлакат учун бу каттагина маблағ. Бироқ қайсидир давлатлар ёки ширкатлар вакцина баҳона яхшигина пул ишлайди. Чунки, миллионлаб дозалар жуда катта даромаддан дарак бериб турибди.



Эҳтимол вакцинанинг таннари бир неча цент билан ўлчанар. Аммо ажал билан муқаррар юзма-юз турган пайтда буним ким ҳам ўйлаб ўтирарди? (Бугунги қарийб сувтекин пенициллинни ҳам бир пайтлар олтин баҳосига сотишган.)

Биз ҳозирча иккинчи гуруҳда турибмиз. Яқинда бир мутахассис танишим суҳбат асосида айтиб қолди. Бир пайтлар Тошкентда ҳам айнан Москвадаги Гамалея марказидан қолишмайдиган иммунология институти фаолият кўрсатган, кейинчалик юртимизда бу соҳага эътибор сусайиб кетгани сабабли институт ҳам ёпилган, ундаги мутахассислар турли хорижий давлатларга, хусусан, ана шу Гамалея марказига ҳам кетиб қолишган экан. Бу гап қанчалик ҳақиқатга яқин билмадим, аммо чиндан ҳам юртимизнинг жуда кўп олим ва мутахассислари бир пайтлар тирикчилик илжинида ўзга юртларга бош олиб кетгани бор гап.

Акс ҳолда, бугун қайси мамлакатнинг вакцинаси бизга мос келаркин, деб атрофга умид билан кўз югуртирмаган бўлармидик? Албатта, кейинги йилларда илм-фан, техника ва технология, инновация соҳаларига эътибор кучайди. Чет эга кетган малакали мутахассисларни қайтариш ҳаракатлари бошланди. Лекин коронавирус номард ганимдек кутилмаганда ҳамла қилди. Кўп ишлар охирига етмасдан қолди.

Хуллас, шу юртнинг бир фуқароси сифатида мени ҳам бир савол қийнайверади. Биз ҳам ўз вакцинамизни яратолмаймизмиз? Бошқаларнинг “раъйи”га қараб ўтирсак, то 2022 йилнинг охирига қалар қанча талафотлар кўраркинмиз, қанча қурбонлар бераркинмиз?

Очиги, мен иммунолог ёки вирусолог эмасман. Вакцина яратиш қанчалик осон ёки қийин эканини ҳам етарли даражада билмайман. Лекин наҳотки, бир пайтлар самолётдан тортиб, тракторгача йирик техникаларни ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган мамлакатда жимжилоқдек келадиган вакцинани яратиш ва ишлаб чиқаришнинг имкони бўлмаса? Очиги, агар ўзимизда халқаро андозаларга жавоб берадиган вакцина яратиладиган бўлса, кўнгилли сифатида дастлабки синовларда иштирок этган бўлардим...

Рустам ЖАББОРОВ

# Ўқитувчи энди консепт ёзмайди

Кейинги йилларда мамлакатимизда таълим тизимини янада ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Амалга оширилаётган ижобий ишларнинг давоми сифатида шу кунларда ҳам бу йўналишда яна бир қатор муҳим меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниши режалаштирилаётгани, биз ўқитувчи-мураббийларни қувонтирмоқда.



Бу ўринда яқинда сенаторлар томонидан маъқулланган янги таҳрирдаги “Таълим тўғрисида”ги қонунни мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Ушбу ҳужжатда ортқча маъмурий тартиб-таомиллар ва тартибга солишнинг эскирган механизмларини бартараф этиш, замон билан ҳамнафаслик қилишга катта эътибор берилаётгани, албатта, қувонарли ҳол.

“Таълим тўғрисида”ги Қонун 1997 йилда қабул қилинган эди. Албатта, бу ҳужжатда ўз аксини топган меъёрий тартиб-қоидалар бугунги талабларга жавоб бермаётгани ҳам бор гап. Зеро, мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида таълим тизимини ҳам катта ўзгаришлар қилинмоқда.

Маълум қилинишича, янги таҳрирдаги “Таълим тўғрисида”ги қонун лойиҳасини такомиллаштириш жараёнида 238 та норма тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Лойиҳадан илдарвий руҳдаги бир неча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қисқартириш, умумий тусдаги, ҳаракатсиз ва ҳуқуқни қўллашга таъсир этмайдиган қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш оқибатида 123 та норма чиқариб ташланди. Уларнинг ўрнига 54 та янги тўғридан-тўғри амал қилувчи нормалар киритилди. Ортқча маъмурий тартиб-таомиллар ва тартибга солишнинг эскирган механизмларини бартараф этиш ҳисобига киритилган 7 та моддалар бутунлай воз кечилиб, аниқ соҳалардаги муносабатларни тартибга солувчи 9 та янги модда киритилди.

Қонунда таълим муассасаси ходимлари, таълим олувчилар ва ота-оналарнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги, таълим жараёни қатнашчиларининг ижтимоий ҳимояси, таълим жараёнида меҳнат қилаётган минглаб мутахассисларнинг, миллионлаб ота-оналарнинг ҳуқуқий мақомига, уларнинг ижтимоий муҳофазасига доир жиҳатларга, аини вақтда мажбуриятларига оидлик киритилмоқда.

“Умумий ўрта таълим муассасаларининг педагогик мутахассисликлари бўйича намунавий йиллик иш режасини шакллантириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгариш киритиш ҳақида”ги ҳужжат лойиҳасига эътибор қаратадиган бўлсак, йўриқноманинг 15 бандининг тўртинчи ва бешинчи хатбошилари чиқариб ташланиб, учинчи хатбоши “синф журнали (босма ёки электрон)” тарзида таҳрир қилинмоқда экан. Буни ҳамкасбларимиз билан онлайн тарзда муҳокама қилганимизда шу нарса маълум бўлдики, ушбу ҳужжат билан ўқитувчилар томонидан фақат синф журнали (босма ёки электрон) юритилиши белгилаб қўйилмоқда.

Фаолиятимиздан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, ҳозирда синф журнали, йиллик тақвим-мавзуйи режа, кундалик дарс ишланмалари (конспект) дафтари юритилмоқда. Мазкур янгиликка кўра, йиллик тақвим-мавзуйи режа ҳамда кундалик дарс ишланмалари (конспект)ни электрон шаклда юритилишига ҳам йўл қўйилмайди.

Юқориди айтганимиздек, кейинги йилларда халқ таълими тизимини катта ўзгаришлар бўлмоқда. Бу ижобий ўзгаришларни биз ўқитувчилар фаолиятимиз давомида бевосита кўриб, ҳис қилаймиз. Ўзимиз ҳам шунчаки кузатувчи бўлиб турмасдан, фаол иштирокчи бўлишга ҳаракат қилаймиз, яъни давр талабидан келиб чиқиб, иш юритишга интиляймиз. Бу айнқиса, карантин пайтида онлайн тарзда дарс ўтиш жараёнларида яққол сезилди. Зеро, ушбу дарслар янги давр талаблари асосида фаолият олиб боришимизга туртки бўлди ва тажриба орттиришга имкон яратди.

Мадина ОЧИЛОВА,  
Тошкент шаҳар  
Учтепа туманидаги  
194-умумтаълим мактаби  
ўқитувчиси



Қуролли Кучларда сержант ҳарбий унвони ўрнига 1,2,3 даражали сержант ҳарбий унвонлари жорий этилди.



**Инсон учун саломатлик бўлмаса, ҳеч нарса татимайди, бошқа неъматлар ҳам кўзга кўринмай қолади. Бежизга эмасда, қўллар дуога очилганда, аввало, сиҳат-саломатлик сўралади.**

Бугунги кунга келиб тиббий хизмат самарадорлиги ва сифатига баҳо беришдаги мезонлар бутунлай ўзгарди. Эндиликда соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотларнинг натижасига ҳалқимиз баҳо беради. Авваллари, иш фаолиятимизнинг асосий қисми ҳисобот билан қандайдир ортиқча юктамалар билан ўтарди. Ҳозир ортиқча ҳисоботлар ва статистикалар олиб ташланди. Табиийки, бу тиббиётнинг бирламчи бўғинидан тортиб, юқори тузилмаларгача бўлган барча жараёнларда самарадорликни тубдан оширди. Эндиликда тизимнинг иш фаолиятини ташкил этишда асосий эътибор инсон саломатлигига қаратилди.

Коронавирус пандемияси тиббиёт тизимини янада ривожлантириш масаласини кун тартибига олиб чиқди. Президентимизнинг ушбу соҳани ривожлантириш, уни тубдан ислоҳ қилишга қаратилган қатор фармон ва қарорлари қабул қилинди. Бу борада бирламчи тиббиёт хизмати, шосиланча ва тез тиббий ёрдам, ихтисослаштирилган тиббий хизматни янада ривожлантириш, тиббиёт ходимлари меҳнатини рағбатлантириш, даволашнинг замонавий технология ва усулларини кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Энг муҳими, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатининг яхшиланиши ҳалқимиз ҳаёт даражасининг янада кўтарилишига олиб келди.

Мен Олий Мажлис Қонунчилик палатасига Тошкент вилоятдан сайланганман. Ўзим ҳам бир неча йил-

# Сифатли тиббий хизматсиз одамларни рози қилолмаймиз!

лар айнан тиббиёт соҳасида ишладим. Фаолиятим давомида вилоятда аҳоли саломатлигини асраш, фуқароларга сифатли тиббий хизмат бўйича катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилаётганининг гувоҳи бўлдим. Ҳозир ҳам парламент назорати орқали ҳудудда тиббиёт тизимининг бугунги ҳолатини доимий равишда ўрганиб бораёмиз.

## Тез тиббий ёрдам учун 130 та автомашина

Охириги йилларда Тошкент вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси тизимидаги даволаш профилактика муассасалари моддий техник базаси мустаҳкамланмоқда. Бундан бир неча йил аввал тизимда ишлаётган вақларимда оддийгина автотранспорт воситасидан қийналардик. Бугунга келиб, бундай муаммолар ўз вақтида ҳал қилинмоқда.

Вилоятда тез тиббий ёрдам сифатини ошириш мақсадида пандемия даврида жами 130 та автомашина билан таъминган. Уларнинг 100 таси 103 хизматига, 20 таси вилоят санитария осойишталик марказига, 10 таси эса вилоят Суд тиббий экспертизаси илмий марказига берилган. Ушбу тез тиббий ёрдам автомашиналари уч миллиондан ортиқ аҳоли истиқомат қилаётган вилоят аҳолисига хизмат қилади.

Бундан ташқари, шаҳар ва туман ҳокимликлари томонидан тиббиёт бирлашмаси учун коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши кураш

тадбирларига жами 2440,0 млн сўм маблағ ажратилган.

Вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати бошқармаси тизимидаги муассасаларига шаҳар ва туман ҳокимликлари томонидан жами 2828,0 млн сўм маблағ ажратилган. Вилоят ҳокимлиги томонидан жами 20493,7 млн сўм маблағ вилоят даволаш профилактика муассасаларига йўналтирилди.

## Бирламчи бўғиндаги энг муҳим ўзгариш

Қишлоқ врачлик пункти, қишлоқ оилавий поликлиникаси ҳамда шаҳар оилавий поликлиникасига аҳоли тез-тез мурожаат қилади. Бунда одамларнинг талаб ва эҳтиёжига мос тиббий хизмат кўрсатилса, табиийки, ҳалқимизда тиббий хизматга нисбатан ишонч ва қониқиш ҳисси юқори бўлади. Ана шу жиҳатлар эътиборга олинаиб, илгари самарасиз ишлаган бир қатор қишлоқ врачлик пунктлари ўрнида қишлоқ оилавий поликлиникалари ташкил этилди.

Қишлоқ врачлик пунктларидан фарқли равишда қишлоқ оилавий поликлиникаларида умумий амалиёт шифокори билан бир қаторда, бешта тор мутахассис — гинеколог, педиатр, хирург, стоматолог, ультратовуш таҳлил аппаратида ишлайдиган шифокор фаолияти таъминланди. Шаҳар оилавий поликлиникаларида эса ўн та йўналишда тор мутахассислар аҳолига хизмат кўрсатаёпти.

## Тиббиётни молиялаштиришга ажратилаётган маблағлар йилдан-йилга кўпаймоқда

Эътиборли жиҳати, давлат бюджетидан соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштиришга ажратилаётган маблағлар ҳам йилдан-йилга кўпаймоқда. Жорий йилда соҳага 1 триллион 31 млрд сўм йўналтирилди, бу ўтган йилдагига қараганда 1,3 баробар кўпдир. Давлат тиббиёт ташкилотларини дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш яхшиланмоқда.

Ҳозирда мамлакатимизда хирургия, кардиология, кўз микрохирургияси, урология, эндокринология, онкология, неврология, алергология каби ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари сони 16 тага етди. Шунингдек, туманларда 306 та ихтисослашган бўлимлар, вилоят марказларида республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларининг 10 та филиали ташкил қилинди.

Дарҳақиқат, замонавий тиббиётни юқори технологияларсиз тасаввур қили бўлмайди. Шунга кўра, трансплантология ривожига алоҳида эътибор қаратилмоқда ва бу келгусида ҳам давом этади. Келгусида мамлакатимизда молекуляр ва нуклеар тиббиёт, робот ёрдамидаги операциялар учун ускуналар ва даволашнинг бошқа юқори технологияли жарроҳлик усулларини жорий қилиш ҳам кўзланмоқда.

Албатта, тиббиёт тизимидаги ислохотларни асло кечиктириб бўлмайди. Аслида соғлиғимизнинг ўзи энг катта бахт. Уни асраш, саломатликни тиклаш учун тиббиёт ҳам замон билан ҳамнафас ишлаши керак. Бунинг учун имкониятимиз ҳам, шароитимиз ҳам етарли. Зотан, сифатли тиббий хизматсиз одамларни рози қилиб бўлмайди.

**Қизилгул ҚОСИМОВА,**  
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги**

# Томорқадан фойдалана оляпмизми?

**Маълумотларга қараганда бугунги кунда юртимизда 4,5 миллиондан ортиқ деҳқон хўжалиги ва томорқа ер эгаси 435 минг гектар унумдор экин майдонида меҳнат қилмоқда. Чуқурроқ таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, бу ҳазилакам рақам эмас, албатта. Хўш, ҳамма ҳам ўз қармоғидаги томорқадан унумли фойдалана оляптими? Кимлардир бир қарич ердан ҳам даромад олаётган бўлса, афсуски, қайсидир юртдошларимиз ерни ўз ҳолига ташлаб қўйган.**

Албатта, жамиятимиз бебаҳо ҳазина — томорқа ерларининг ҳар бир қаричидан унумли фойдаланиш учун яхлит ҳуқуқий асосга эҳтиёж сезмоқда. Давлатимиз раҳбарининг “Коронавирус пан-

демиясидаврида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” қарорига кўра, Ўзбекистон Республикасининг “Шахсий

Лойиҳа ишлаб чиқилиши жараёнида жойларда бўлиб ўтган қатор учрашувларимиз давомида ҳам томорқа ер эгаларидан аниқ тақлифлар, фикрлар олишга ҳарақат қилдик.

томорқа хўжалиги тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси белгилаб берилган эди. Зеро, юртимизда фермер ва деҳқон хўжалиқларининг фаолияти тегишли қонунлар билан тартибга солингани ҳолда, томорқа ерларидан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи яхлит қонун ҳозиргача мавжуд эмас эди.

Шундан келиб чиқиб, «Шахсий томорқа хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилди ва ушбу лойиҳа куни кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзЛиДеП фракциясининг навбатдаги йиғилишида муҳокама қилинди.

Мазкур қонун лойиҳасида шахсий томорқа ер участкаси, шахсий томорқа хўжалиги, шахсий томорқа хўжалигини юртишда ер участкаларидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилаш, шу билан бирга ваколатли давлат ҳокимияти органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг шахсий томорқа хўжалиқлари соҳасидаги вазифалари ва иштироки очиб берилмоқда.

Шахсий томорқа хўжалиги фаоли-

тини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, хусусан, шахсий томорқа хўжалиги фаолиятини амалга оширишда етиштирилган ёки қайта ишланган маҳсулотларни бозорларда, савдо шохобчаларида ўзлари ёки уларнинг вакиллари томонидан ҳеч қандай тўсқинликсиз эркин реализация қилиш учун шароит яратиш, мева-сабзавотчилик кластерлари билан ҳамкорлик қилиш, шунингдек, мева-сабзавотчилик кооперацияларига аъзо бўлишига кўмаклашиш билан боғлиқ қондалар белгиланмоқда.

Лойиҳа ишлаб чиқилиши жараёнида жойларда бўлиб ўтган қатор учрашувларимиз давомида ҳам томорқа ер эгаларидан аниқ тақлифлар, фикрлар олишга ҳарақат қилдик.

Томорқага бу қадар жиддий эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Сабаби оддий — ҳалқимизнинг бирламчи турмуш эҳтиёжларини таъминлаш, озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб беришда томорқа жуда катта ресурс ҳисобланади. Айни вақтда пандемия туфайли жаҳоннинг аксарият мамлакатлари аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш муаммосига дуч келяпти. Ана шундай бир пайтда серҳосил, унумдор томорқамизга экин экмаслик, қаровсиз қолдириш она заминга хиёнатдир.

**Дилбар УСМОНОВА,**  
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати**



**Ушбу саҳифа Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонднинг “Фаровон ҳаёт қонун устуворлигида” грант лойиҳаси асосида тайёрланди.**



Тугатилаётган фермер хўжалигининг ерга қилган харажати қопланади.




**MIKROKREDITBANK**


# 1 сентябрь

*Ўзбекистон Республикаси  
Мустақиллик куни*

**"Микрокредитбанк" жамоаси энг улуғ ва энг азиз байрам —  
Ўзбекистон Республикаси давлат Мустақиллигининг  
29 йиллик шодиёнаси билан  
Сиз, азиз ҳамюртларимизни муборакбод этади.  
Сизларга мустаҳкам соғлиқ, омад ва муваффақиятлар тилаймиз!  
Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!**

## **МУСТАҚИЛЛИК ШОДИЁНАСИ АРАФАСИДА "МИКРОКРЕДИТБАНК" ТОМОҶИДАН АЖОЙИБ ЯНГИЛИК ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ**



ЭНДИЛИҚДА НАФАҚАТ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР, БАЛКИ  
ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ҲАМ МАСОФАДАН ТУРИБ КРЕДИТ  
ОЛИШЛАРИ МУМКИН. ЯЪНИ ТАДБИРКОРЛАРГА  
"МКВ MOBILE BUSINESS" ЁКИ "INTERNET BANKING" ИЛОВАЛАРИ  
ОРҚАЛИ БАНККА КЕЛМАСДАН ОНЛАЙН КРЕДИТ  
ОЛИШ ИМКОНИЯТИ ЯРАТИЛДИ.

**КРЕДИТ ФОИЗИ: 21 %  
КРЕДИТ МУДДАТИ: 12 ОЙ**

**МИКРОКРЕДИТБАНК – МАҚСАД САРИ ДАДИЛ ҚАДАМ!**



"Илҳом" мукофоти таъсис этилди.






*Ватанимизнинг  
мустақиллик байрами  
муборак бўлсин!*

ПРОТЕКА BANK

29

*Халқимиз синовли  
кунлардан эсон-омон ўтиб,  
ватанимиз равнақига  
муносиб ҳисса қўшишда  
давом этаверсин!*

*— ЮРТИМИЗ ТИНЧ,  
ОСМОНИМИЗ МУСАФФО,  
ДАСТУРХОНЛАРИМИЗ  
ТЎКИН-СОЧИН,  
МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ ЭСА  
АБАДИЙ БЎЛСИН!*



2020-2021 йилларда лицензиялаш соҳасига оид 130 дан ортиқ ҳужжат тизимлаштирилиб, тубдан қисқартирилади.



# «ЎЗМЕТКОМБИНАТ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ



— Истиқлолнинг буюк неъматини —  
 озодлик ва ободлик нашидасини ила  
 юртимизда бўй таратаётган энг улуғ  
 байрамимиз барчамизга муборак  
 бўлсин!

Энг азиз байрам — Мустақиллик  
 шарофати билан мамлакатимиз  
 иқтисодиётига ўз ҳиссамизни  
 қўшаётганимиздан мамнунмиз.

Шундай фараҳбахш кунларда  
 эл-юртимиз омон, Мустақиллигимиз  
 абадий бўлишини Яратгандан  
 сўраймиз.





# Тошкент шаҳридаги «DENTAFILL PLYUS» компанияси жамоаси




Ўзбекистон халқини  
Истиқлолимизнинг 29 йиллиги  
билан табриклайди.

— Эрк яловини қўлда тутган  
юртдагина ҳаёт фаровон бўлади,  
аҳолига кенг имкониятлар  
яратилади. Шундай юртда  
тадбиркорлик қилиш катта  
шарафдир.



Илоҳим, мамлакатимиз янада  
фаровон бўлсин!



Шодиёна мубрак, азиз Ватаним!



2021 йил 1 январдан бошлаб, рухсат этиш хусусиятига эга қатор ҳужжатлар бекор бўлмоқда.





## «Ideal nur plast» масъулияти чекланган жамияти жамоаси:



— Ҳаётимизнинг маъно-мазмунини бутунлай ўзгартирган, тарихимизда янги саҳифа очган буюк воқеа — Ватанимиз Мустақиллигининг 29 йиллик шодиёналари қутлуғ бўлсин.

Шу муносабат билан ҳамма-ҳаммага сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилаймиз. Моддий ва маънавий бойлигимиз зиёда, элимиз эса доимо бахтиёр бўлсин!

**ООО «IDEAL NUR PLAST»**  
Производство труб из полиэтилена Ø от 16 до 800 мм,  
канализационных труб из ПВХ Ø от 50 до 200 мм.

Для водоснабжения, кислотно-щелочных растворов, соленых сточных вод, для канализации и для защиты электрокабеля.  
Производство парниковой пленки.  
А также выполняется монтаж напорных труб.

г. Ташкент, ул. Норзатена, 64  
тел./факс: (+99871) 228-83-38, тел.: (+99893) 543-84-04, 375-79-61  
e-mail: uzpolpipe@yahoo.com

## Сув хўжалиги саноат корхоналари уюшмаси «Мегарезинапласт» корхонаси жамоаси

Истиқдолнинг 29 йиллик тўйи билан барча ватандошларимизни самимий табриклайди.

— Гўзал ва бетакрор юртимизга байрамлар ярашади. Халқимизга синовли кунлардан ўтиб, юртимизнинг мана шундай улуг байрамларини абадий нишонлаб юриш nasib этсин!

*Mustaqillik bayramingiz  
muborak bo'lsin!*



Хуқуқбузар унга жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб, 15 кун ичида жарима миқдорининг 70 фоизини ихтиёрий равишда тўлаган тақдирда, у жариманинг қолган қисмини тўлашдан озод қилинади.



Polimer  
Galantry

# «POLIMER GALANTERY» хусусий корхонаси жамоаси:

— *Жондан азиз ватанимизни Яратган ёмон  
кўзлардан асрасин. Хонадонларимиздан  
тинчлик, хотиржамлик, қут-барака аримасин.  
Мустақиллигимизнинг 29 ёши барчангизга  
муборак бўлсин.*

Мурожаат учун телефон:  
+998946383333  
+998951423119


Уйингиз нурга,  
қалбларингиз қувончга  
тўлсин, азиз ҳамюртлар!

## Тошкент шаҳар хотин-қизлар тадбиркорлик маркази жамоаси



юртдошларимизни энг улуғ ва энг азиз байрам  
— Мустақиллигимизнинг 29 йиллиги билан  
табриклайди.  
Турмушимиз фаровон, танчлигимиз боқий  
бўлсин!

Тенглар ичра тенгсиз ўзбек аёллари  
тадбиркорликда ҳам эркаклардан  
қолишмаяпти. Мана шундай эркинлик бор  
юртнинг аёллари янаям гўзал бўлади.  
Улардан худди ўзларидек чиройли  
фарзандлар дунёга келади.  
Мана шундай мамлакатда, мана шундай  
шодиёналар кўпайсин! Юртимиз истиқлоли  
абдий бўлсин!



28 нафар ёшларимиз "Мард ўғлон" давлат мукофоти билан тақдирланди.



## Finland butter DONNA жамоаси:



— "Сен — қудрат манбаи, саодат маскани, жонажон Ўзбекистон!" Мана шу туйғу ҳар биримизнинг дилимизга жо бўлган, ҳаётимиз мазмунига айланган улуғ айём кунларида барча-барчангизни Мустақиллигимизнинг 29 йиллиги билан қутлашдан бахтиёрмиз. Ўзбекистон номи бахт ва эзгулик диёри сифатида дунёга таралаверсин!

Donna bilan  
har qanday  
nonushta  
yoqimli  
va sevimli



*Ҳар сақил тўпроғи оқибатга  
ёни Ватанимиз энада одоб  
бўлаверсин!*

Mahsulot sertifikatlangan.  
"Finland Butter" XK xizmat ko'rsatadi.



Бадий академиянинг тасвирий санъат бўйича республика танлови ғолиблари ОТМга танловдан ташқари кириш имтиҳонларисиз давлат грантлари асосида қабул қилиниши бекор қилинди.



# “ҚО‘ҚОН ВІОКІМҲО” АЖ ЖАМОАСИ

JOINT STOCK COMPANY  
**ҚО‘ҚОН ВІОКІМҲО**  
АКСІЯДОРЛІК ЖАМІЯТИ

шу заминда яшаб, элу юрт манфаати йўлида  
хизмат қилаётган меҳнаткаш ва танти,  
матонатли ҳамда садоқатли ўзбек халқини  
Мустақиллигимизнинг 29 йиллиги билан  
муборакбод этади.

— Халқимиз асрлар давомида орзиқиб,  
интиқиб кутган, онгу шууримизни тубдан  
ўзгартирган Истиқлол шодиёналари юракларга  
қувонч, одамларга бахт олиб келсин!  
Хар бир кунингиз хайрли, мазмунли,  
байрамона ўтсин!



Хорижда ишлаб чиқарилган алоҳида товарлар вақтинча давлат харидларида иштирок этмайди.




# Қўшработ туман халқ таълими бўлими жамоаси

**БЕТАКРОР ВАТАНИМИЗНИНГ БУНЁДКОР ХАЛҚИНИ  
МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 29 ЙИЛЛИГИ БИЛАН САМИМИЙ  
МУБОРАКБОД ЭТАДИ.**

**Шу билан бирга келажак авлодимизнинг жонкуяр  
тарбиячилари бўлмиш устоз ва мураббийларни ҳам байрам  
баробарида янги ўқув йилининг бошланиши билан  
табриклайди.**

**— Мустақиллигимизни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса  
қўшиб келаётган ҳар бир юртдошимизга  
сиҳат-саломатлик, хонадонларига қут-барака, бошлаган  
ҳар эзгу ишида муваффақиятлар тилаймиз!**





**Орамизда шундай феъл-атвор соҳиблари борки, қатъият билан мақсад сари илгарилаш ҳаёт мазмунига айланаб қолган. Рухий чарчоқ, эрин-чоқлик, бугунги ишни эртага қолдириш каби одатлар уларга бегона. Бундай шижоатни, куч ола билишни ўғил-қизларга ҳам болаликданок сингдириб бориш лозим.**

Аслида-ку, юқорида санаб ўтилган ҳолат ҳаммада ҳам юз бериши табиий. Кунларнинг бирида эрталаб уйғонамиз-у, ҳеч нима қилгимиз, ҳеч ерга боргимиз, ҳеч ким билан сўзлашгимиз келмайди. Бу тушқунлик ҳиссини уйғотиши табиий. Ушбу ҳолатдан қандай чиқиб кетиш мумкин? Бугун шу ҳуусдаги фикрларни билмоқчимиз.

Жаҳонга таниқли бизнес-эксперт — Харв Экернинг “Миллионер каби фикрланг” номли китобида ёзилишича:

“Ғайратли, мақсали қатъий киши ҳақида ишонинг маъсулини кўради. Бу ҳаммага маълум ҳақиқат, аммо шундай бўлса-да, ҳар доим ҳам ўзимизни энгиб, керакли юмуш билан банд бўлишга кучимиз етасвермайди. Энг ёмони, миянинг “дам олиш истаги”ни доим қондираверсак, бора-бора мақсадсизлик ҳисси юзага келади. Бунинг олдини олиш учун келинг, келажак ҳақида ўйлаб кўрамиз. Яъни шу кетиш бўлса, нималарни бой беришимиз мумкин? Омалсизлик, умидсизлик, тушқунлик, пулсизлик, ишонсизлик... Хуллас, келгусида буларнинг бари ҳаётимизни издан чиқариши тайин. Бунга рози бўлардингиз?”

Билсангиз, бу ҳолга тушиб қолганларнинг ҳеч бири касбини севмайди. Ҳар кунни бир хил ҳаёт, бир хил иш, эрталаб туриш керак бўлгани учун, ишга бориш шарт бўлгани учунгина бориш... Бу улар учун оддий ҳолга, доимий ҳаёт тарзига айланган. Аслида эса киши доим ўзи учун қизиқарили, завқи, кўнглига хуш келадиган машғулотларни топишга, улар билан чалгишга ҳаракат қилиши керак. Энг аввало, нимани хоҳлашнингиз, қандай яшашни истаётганингиз ҳақида ўйланг. Кейин эса бор куч-ғайратингизни ўша мақсад сари йўналтирасиз. Унутманг, сиз бунга қодирсиз!”

Дарҳақиқат, ҳаётимиздаги ўзгаришлар ўз-ўзидан содир бўлиб қолмайди. Инсон руҳан тайёр бўлиши, янги манзил сари биринчи қадамни ташлаши керак.

— Муайян бир мақсадга эришиш учун ҳаракат бошламоқчи бўлсангиз, яхшиси, аниқ бир кунни белгилаб олинг, — дейди психолог ҳамкасбим. — Дейлик, тақвимдаги бирор санани қизил қалам билан бўяб қўйсангиз,

## Шижоат қаердан келади?

Ҳар кунни ўша белгига кўзингиз тушади ва сиз ўз-ўзидан руҳий тайёргарлик босқичига ўтасиз. Ўзингизни ишонтиринг: шу кун меннинг ҳаётимга ўзгаришлар олиб келади. Майли, бунинг учун бир, икки, уч ҳафта, бир ой ўтсин, муҳими, шу сана ҳаётимдаги буткул янги босқични бошлаб беради! Унутманг, ички ишонч, аниқ мақсад сари дадил оқимлаш бизни муваффақиятга етакловчи энг асосий омилдир.

Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, кундалик бир хил ҳаёт бизни зериктиради, руҳан чарчаймиз, куч-қувватимизни қамайтириб боради. Ҳеч эътибор берганмисиз, узоқ йиллар бир соҳала ишлаган одамни “қотиб қолган”, “изланишни истамайди” дея таърифлашади. Бу бежиз эмас. Зеро, бир хиллик инсондаги қизиқиш, интилиш ва истакни сўндиради. Шу маънода ишимизга ўзгариш киритишдан чўчимаемиз керак.

— Кун тартибим ранг-баранг бўлишини истайман, — дейди ёш ташбиркор Бобур Дўстметов. — Доим янги маълумотлар манбаини қидираман, қизиқишларимни боинтиб борсам, дейман. Вақти-вақти билан ишдан чалғиб, тренажёр ва сузиш машқуларига қатнайман. Офисимиз кўп қаватли бинода жойлашган. Баъзан иш кўпайиб кетса ва спорт машғулотига бора олмасам, кун бўйи бир ерда уйқусираб ўтиришдан қочаман. Сал қарахлик сездимми, дарров зиналардан 5-6 қават паства тушиб-чиқаман. Ана шунда организм энергия билан таъминланади, яна ишга иштиёқ пайдо бўлади. Бу маслаҳатни менга фитнес-мурабийим берган. Унинг айтишича, ҳаракатсизлик миянинг фаоллигини пасайтириб, уни уйқуга, дам олишга ундар экан. Жисмоний ҳаракат эса кишининг ўзига бўлган ишонч ҳиссини мустаҳкамлайди, кайфиятини кўтарди, мақсад сари интилишга ундайди. Менимча ҳам бу жуда тўғри фикр.

Ҳаётини қизиқишларимиз сўнишига яна бир жиддий сабаб бор. У ҳам бўлса, бугунги шовқинли дунё: оила ташвишлари, идоралаги қалашиб ётган юмушлар, ижтимоий тармоқлар, телефон, хуллас, буларнинг бари бизни асосий мақсаддан чалғитади, вақтимизни ўғирлайди. Шу боис ҳам мақсадни ҳаёлдан қочирмаслик керак. Зеро, салоҳиятимиз, келажакка бўлган ишонч ва интилишларимизни кучайтирмасак, мақсад ўз-ўзидан йўққа чиқиб бораверди. Демак, бора-бора ҳаётимизда маъно қолмайди.

Адиба РАҲИМОВА,  
Тошкент шаҳридаги  
216-мактаб ўқитувчиси

Одамларнинг икки хил тоифаси бор. Уларнинг бири нима қилмоқчи эканлиги ҳақида гапиришни хуш кўради. Иккинчи тоифа кишилар эса ортиқча сўзламай туриб, иш бажаришади. Шахсан мен кейинги тоифага мансуб бўлишни истардим. Кўпинча, ўйлайман: бўш, анчадан буюн нималар қилишни истар эдим? қай бир юмушни орта сурдим? Балки шу ишни охирига етказиб қўйиш учун биргина қадамнинг ўзи етарлидир? Шу қадамни ҳозир ташлашим керак. Кейинни кутмайман. Ишни орта сурдиш учун баҳона қидирмайман. Менимча, инсон ана шундагина ўз-ўзини енгган, мақсад сари дадил одимни ташлаган бўлади. Биласизми, ҳар қандай мушкул иш бўлмасин, уни бажарганимдан сўнг нималарга қодир эканимни биламан ва ўзимга ишончим ортади, яна янги мақсадлар сари ҳаракат қила бошлайман.

\*\*\*

Ҳа, бу ҳам ўзига хос бир услуб. Ўзим ҳам кучсиз, ожиз, кўлимдан ҳеч иш келмайдиган одамдек тушқун кайфиятга берилгудек бўлсам, бундан чиқиб кетиш учун аввалги ютуқларимга эътибор қаратаман. Бир пайтлар унга қандай эришган эдим? Шу ҳуусда ўйлайман. Ана шунда яна интилиш ҳисси пайдо бўлади. Омалсизликлар борасида эса ўтмишга қайтиб бўлмайди, албатта. Уларни унуттиш керак. Бугундан янги оламга айланган маъқул. Оғир юкни елкадан тушириб ташлагач, порлоқ келажак ҳақида ўй суриш мумкин.

кишнинг олдини олади.

### Орзу билан яшайлик!

Ҳаётда ҳеч бир нарса бизни орзучалик олган томон ундай олмайд. Муҳими, у бизни руҳлангирга олсин, реал ҳаётга мослашсин, шу билан бирга катта орзу бўлсин!

Ҳамфикрлар ҳам керак

Тўғри, мақсад сари интилиш ҳисси сўнса, ёқимсиз ҳаёлар чулбаб олса, киши ёлғиз ўзи қийналади. Шу боис яқин дўстлар, қариндошлар, ҳамфикрлардан нажот излаган маъқул. Улар билан кўпроқ вақт ўтказиш, ўй-фикрлари билан ўртоқлашиш, яна янги истакларга йўл очади.

### Сувдаги ҳикмат

Организмнинг сувсизланиши киши руҳияти ва кайфиятига салбий таъсир қилади. Шу боис кўпроқ сув ичиш зарур. Илмий тадқиқотларда исботланишича, инсон ёши улгайгани сайн чанқаганини кам ҳис қиладиган бўлиб қолар экан. Ваҳоланки, организмда моддалар алмашинуви яшиланиши, мия фаол ишлаши учун сув керак. Бежиз кунига 2 литр суюқлик ичиш керак, дейилмайди, ахир. Ёлда тутиш керакки, сувнинг ўрнини чой, қаҳва билан тўлдириб бўлмайди. Қайнатилган сув — энг яхшиси. Уни ҳар гал ҳўлалаб ютаётганда ичингизни куч-қувват билан бойтаётгандек тасаввур қилинг, дейди психологар.

Хилола ХОЛМИРЗАЕВА,  
Яшнобод туманидаги  
212-мактаб ўқитувчиси

### Танаффуснинг нафи

Психолог мутахассисларнинг фикрича, меҳнатга шўнғиб, чарчаганимиз сайн бизда мақсад сари интилиш ҳисси сувайиб боради. Уни тиклаш учун кичик танаффуслар зарур. Кун давомида ҳеч бўлмаса, ўн беш дақиқа ўзингизни бўш қўйишга ва дам олишга ҳаракат қилинг, дейишмоқда илмий тадқиқотчилар. Масалан, шаҳар кўчаларида ёки хиёбон бўйлаб сайр қилиш мумкин.

### Юмушлар кўп...

Ишингиз кўпми? Уларни қорштириб юборинг: бирига ўттиз дақиқа ажратинг, кейин эса иккинчисига ўтинг. Бу сиздаги фаоллиқни таъминлайди ва ишдан зери-

## «SURXON RIELTOR SERVIS» МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади

Эълон

2020 йил 28 сентябрь куни соат 11:00 да Термиз шаҳри «И.Каримов» кўчаси 162 ўй 1 хонадонда очиқ аукцион комиссияси иштирокида мулкнинг бошланғич баҳоси қадам-бақадам ошиши тартибда ўтказилган очиқ аукцион савдосига «Сурхон Чилангар» масъуляти чекланган жамиятининг (100% улуши) қўйилмоқда:

Бошланғич баҳоси: 560 000 000 сўм.  
(100% улуши) билан «Сурхон Чилангар» масъуляти чекланган жамияти ходимлари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин. Изоҳ 100 фоиз улуш ўз чекига олган (Мазмурий ва ҳўжалик бино иншоотлари мажмуаси).

Юқоридаги автотранспорт воситаси 2020 йил 28 сентябрь аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, ёки савдо голиби белгиланган муддатла шартнома имзолашдан бош тўртса, шартнома имзолангандан сўнг шартнома шартларини бажармаса, такрорий аукцион савдолари 2020 йил 13, 28 октябрь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдосига қатнашиш учун жисмо-

ний шахслардан паспорт нусхаси, юридик шахслардан таъсис ҳужжатлари, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда белгиланган ишончнома тақдим қилиши лозим.

Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар закалат пули тўғрисида келишувни имзолаб, закалат пулини тўлаган харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 2 (икки) кун олдин тўхтатилади.

Талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолангандан сўнг объект бўланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «SURXON SAVDO INVEST» масъуляти чекланган жамиятининг Х/р:20208000100512709002. ИНН: 303477661 ХАБ «Трастбанк» Термиз филиали МФО: 01063 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада топширишлари керак:

жисмоний шахслар паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Қўшимча маълумотлар олиш манзили: Термиз шаҳри «И.Каримов» кўчаси 162 ўй.  
Телефон (76) 223-77-83.

<p><b>ЖАМИЯТ</b></p> <p>Муассислар: Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси. Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси. Ўзбекистон Мустандил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини</p>	<p>қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди.</p> <p>Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.</p> <p>Ўзбекистон экологик ҳаракати. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси.</p> <p>“Фуқаролик жамияти — Гражданское общество — Civil society” журнали.</p>	<p>Бош муҳаррир Мақсуд ЖОНИХОҲОВ</p> <p>Таҳрир хайъати: Рустам Комилов Борий Алихондов Акмал Саидов Раҳмат Мамаатов Нуриддин Убайдуллаев (Бош муҳаррир ўринбосари) Ақтам Хайитов Аҳдам Икромов</p>	<p>Газета таҳриратининг компьютер бўлимида саҳифаланди.</p> <p>“Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.</p> <p>Манзил: Буюк Турон кўчаси 41. Буюртма рақами Г-814 Адади: 1112. Жума кунни чиқади.</p> <p>Қозғ бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Баҳоси келишилган нарҳда.</p> <p>Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг 2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.</p> <p>ISSN 2010-7722</p>	<p>Навбатчи: Дилбар Маҳмудова</p> <p>Дизайнер: Беғали Эшонкулов</p> <p>100000, Тошкент шаҳри Магъбулотлар кўчаси 32. Маълумот учун телефонлар: (71) 233-72-77, 233-91-55</p> <p>Реклама ва эълонлар учун: Электрон почта: jamiat@mail.uz Газета индекси — 131</p> <p>“ЖАМИЯТ” дан олинган маълумотларда манба сифатида дағал номни кўрсатилиши шарт.</p> <p>ЎЗА яқуни: Топширилган вақти: 16:55</p> <p>1 2 3 4 5</p>
--	--	--	--	--



Сугориладиган ва лалми экан ерларида қишлоқ ҳўжалиги экинларини оқилноа жойлаштириш тартиби белгиланди.



# «Fergana-Oseana» жаҳонга юз тутмоқда

Вазирлар Маҳкамасининг "Пахта-тўқимачилик корхоналарини янада ривожлантиришнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарорига асосан "FERGANA-OSEANA" МЧЖ хорижий корхонасига Фарғона туманида 5815 гектар ер майдонида пахта-тўқимачилик кластерини ташкил этиш белгилаб қўйилган эди.



Юқоридаги қарор ижросини амалга ошириш мақсадида пахта-тўқимачилик кластери томонидан Фарғона туманида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Жумладан, тумандаги қишлоқ хўжалиги техника базасини янгилаш, ҳамда қишлоқ хўжалигидаги агротехник тадбирларини сифатли ва ўз вақтида бажариш мақсадида корхона томонидан 28,3 млрд сўмга яқин қишлоқ хўжалиги техникалари сотиб олинди.

«Fergana-Oseana» МЧЖ пахта-тўқимачилик кластери Фарғона туманидаги

5815 гектар пахта ер майдонлари, 82 та фермер хўжаликлари билан катратакция шартномаси тузилган. 2018 йилда ишлар ташкил қилинган. 400 дан ортиқ қишлоқ хўжалиги техникаси сотиб олинган. 1200 нафардан зиёд ишчи меҳнат қилмоқда. 30 нафардан ортиқ агрономлар ишга жалб қилинган.

— 2019 йилда Фарғона туманида пахта-тўқимачилик кластеримиз томонидан туман фермер хўжаликлари билан ҳамкорликда 12407 тонна пахта ҳосилини етиштирдик, — дейди «Fergana-Oseana» МЧЖ пахта тўқимачилик

кластери раҳбари Фарҳод Саримсоқов. — 2018 йилги мавсумга нисбатан икки баробар ортиги билан пахта хом ашёси етиштирилган. Бу туман пахтакорлари учун улкан ғалаба, десак, муболаға бўлмайди.

Дастлаб, ушбу етиштирилган пахта хом-ашёсини бизнинг таъсисчилигимизда барпо этилган "Baxodir Log'on Tekstil" МЧЖ қўшма корхонасига юқоридаги қарорга асосан сотиб олиниши белгилаб қўйилган "Қува Пахта Тозалаш" АЖда қайта ишлашни режалаштирганмиз. Лекин маълум вақтдан сўнг "Қува Пахта Тозалаш" АЖ яна "Ўзпахтасаноат" АЖ таркибига қайтариб берилди. Сўнгра, бизнинг таъсисчиларимиз янги замонавий пахта тозалаш корхонасини барпо этиш ишларини бошлаб юборди ва бугунги кунда дастгоҳлар Туркия давлатидан келтирилиб ўрнатилган.

— Пахта маҳсулотлари кластернинг ўзида қайта ишлаб чиқарилади, — дейди агроном Фуломжон Қодиров. — Толани қайта ишлашни йўлга қўйганмиз. Шу кунгача Россия, Польша, Чехия давлатларига 2 миллион долларлик экспортни амалга оширдик.

Айтиш керакки, Фарғона тумани вилоятда сув таъминоти энг оғир ҳудудлардан ҳисобланади. Шунинг учун туманда кўпроқ сугоришнинг илгор технологияларидан фойдаланишга эътибор қаратилмоқда. Корхона таркибиде полимер қувурлар ишлаб чиқарувчи корхона ҳам мавжуд бўлиб, жорий йилда ушбу корхона томонидан томчилатиб сугориш тизими учун қувурлар ишлаб чиқариш режалантирилган.

Шу фурсатдан фойдаланиб, «Fergana-Oseana» МЧЖ жамоаси юртимиз аҳлини Мустақиллигимизнинг 29 йиллиги билан табриклайди!

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, халқимиз бахтиёр бўлсин!



гектар ер майдонида 127 та фермер хўжаликлари билан, Қува туманида 6200 гектар ер майдонида 245 та фермер хўжаликлари билан контрактациялари шартномалари тузган. Айти пайтда бу ерда 230 иш ўрни яратилган. 85 та қишлоқ хўжалик техникалар жалб

қилинган.

Умуман, кластерда бугун ишлар ўз йўлига тушиб олган. Корхона жонкуярлари юртимиз баробарида оилалар фаровонлигига ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Нуриддин УБАЙДУЛЛАЕВ,  
"Жамият" мухбири

«Baxodir Log'on Tekstil» МЧЖ қўшма корхонаси 2020 йилда Ёзёвон туманида 5210



Россия ва Қозоғистон томони билан келишувга биноан, жорий йилнинг 23 август куни "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ поезди 927 нафар юртдошимиз билан "Первомайская" станциясидан Ўзбекистонга жўнаганди. У 27 август куни Наманган вилоятига етиб келди.